# СУРУНКАЛИ ДЕРМАТОЗЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ТОР ДОИРАЛИ ФОТОТЕРАПИЯНИ (UVB NB) ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАСИ.

**Файзуллаева Н.А.[1], Абдурашидов А.А.[2]**
[1,2]Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази. Тошкент ш., Ўзбекистон. Тошкент давлат тиббиёт университети. Тошкент ш., Ўзбекистон.

**DOI: 10.67620/dermajournal.1730035**

**Кириш.**

Псориаз ва экзема каби сурункали дерматозлар беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради ва самарали ҳамда хавфсиз терапия усулларини қўллашни талаб этади. Тўлқин узунлиги 311 нм бўлган тор доирали оралиқ тўлқинли фототерапия (UVB NB) юқори хавфсизлик профилига эга энг истиқболли физиотерапевтик усуллардан бири сифатида ўзини намоён этди.

Тадқиқотнинг мақсади. Псориазнинг турли шакллари ва сурункали экземаси бўлган беморларда UVB NB (311 нм) фототерапиясининг клиник самарадорлиги ва ўзлаштирилишини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Кузатув остида 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 53 нафар бемор бўлди, улардан 34 нафари псориазнинг турли шакллари (вульгар, каплисимон, кафт-товон) ва 19 нафари зўрайиш босқичидаги сурункали экзема билан оғриган беморлардир. Муолажалар UVB 311 нм фототерапия кабинаси/ускунасида ҳафтасига 3–4 маротаба ўтказилди. Бошланғич нурланиш дозаси терининг фототурига (Фитцпатрик бўйича) қараб ҳисобланди ва $0,05\text{--}0,1$ Дж/см$^2$ ни ташкил этди, эритема кузатилмаганда кейинги бир марталик доза 10–15% га ошириб борилди. Даволаш курси 15 тадан 30 тагача муолажани ўз ичига олди. Динамика PASI (псориаз учун) ва EASI (экзема учун) индекслари бўйича баҳоланди.

Натижалар. Псориаз билан оғриган беморлар гуруҳида клиник ремиссияга (PASI редукцияси> 75%) 67,6% (23 нафар бемор) ҳолатда эришилди, сезиларли яхшиланиш (PASI 50–75%) — 23,5% (8 нафар бемор) ҳолатда кузатилди. Сурункали экземаси бор беморлар гуруҳида клиник тузалиш ва сезиларли яхшиланиш (EASI> 75%) 63,2% (12 нафар бемор) ҳолатда, ўртача самара — 26,3% (5 нафар бемор) ҳолатда қайд этилди. Кашиниш ва гиперемиянинг камайиши 4–6-муолажадан сўнгроқ кузатилди. Ножўя таъсирлар қисқа муддатли хусусиятга эга бўлиб (беморларнинг 5,6%ида енгил эритема), терапияни бекор қилишни талаб этмади.

Хулоса. UVB NB (311 нм) фототерапиясини қўллаш юқори терапевтик самарадорликни кўрсатади, ремиссияга эришиш муддатларини қисқартиради ва псориаз ҳамда сурункали экзема билан оғриган беморлар томонидан яхши ўзлаштирилади, бу эса ушбу усулни дерматовенерология амалиётига кенг жорий этиш учун тавсия қилиш имконини беради.